

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2018 йил декабрь ойининг 11 кuni, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди Балиқчи Индустрал педагогика касб-хунар коллежи биносида, очик сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси М.Сиддиқовнинг раислигида, Б.Эргашевнинг қотиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурори Ёрдамчиси Лавозимда иш ўрганувчи С.Эгамбердиев, судланувчи 3.Мадалиевнинг химоячиси "HUQUQIY TUSHUNCHASI" адвокатлик фирмаси адвокати Т.Жоловларнинг иштирокида, Мадалиев Зоҳиджон Зафаровичга нисбатан 1-1704-1801-115-сонли жиноят иштини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Мадалиев Зоҳиджон Зафарович (Madaliyev Zohidjon Zafarovich), 1978 йил 11 октябрда Избоскан туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишсиз, судланмаган, Избоскан тумани, М.Улугбек МФЙ, Қичик даҳаси 29-уйда яшайди, 2018 йил 10 октябрдан эхтиёт чораси сифатида шахсий кафиллик кўлланилган, 2018 йил 23 октябрда айблов хулосасидан нусха олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувни эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўплаган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги хужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

3.Мадалиев 2018 йил 2 октябр кuni соат 14.00ларда Вилоят миқёсида ўтказилаётган "Қидирув", "Антигеррор-тозалаш" кенг қамровли тadbири давомида ИИБ ходимлари Избоскан тумани М.Улугбек МФЙ Қичик даҳа кўчасида жойлашган гўшт маҳсулотларини сотиш савдо дўкони атрофида 3.Мадалиев кўчада шубҳа уйғотганлиги сабабли, уни тўхтагиб, икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганда эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан икки бўлак селюфан парчасига ўралган ўтқир хидли, жигарранг тусли, сақичсимон модда борлиги аниқланиб, гиёҳвандлик моддаси холислар иштирокида баённома орқали олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2018 йил 2 октябр кунги 449-сонли хулосасига кўра 3.Мадалиевни ёнидан аниқланиб олинган моддалар ўз тарқибда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи, соф огирлиги 5,46 грамм бўлган "Гашин" гиёҳванд моддасини эканлиги маълум бўлган.

Судланувчи 3.Мадалиев суд мажлисида айбига иқrorлик билдириб, 2018 йил 2 октябр кuni соат 10.30 ларда яшаш хонадонидан гиёҳванд моддасини териб келиб истеъмол қилиш мақсадида 2018 йил 20 сентябрда Андижон туманида жойлашган Жаҳон бозорига бориб келаётганда Пойтуғ-Қуйганёр йўналишида жойлашган ариклари четига ўсиб ётган ёввойи наша ўсимликларини ўсиб турганлигини кўрганлиги учун териб келиш мақсадида бориб ўша жойда ўсиб

ётган ёввойи наша ўсимликларини уч қисмларини икки кафти билан сикки ишқалаб кафтига ёпишиб қолган наша шираларини 1 дона қора елим пакетга солиб тўплагани, шундан сўнг эғнида бўлган шимининг олди ўнг чўнтагига солиб йўловчи яшаш хонадонига олиб келаётганда Пойтуғ шаҳрига марказида жойлашган чорраха атрофида жойлашган савдо дўконлари олдида келганда 5-6 нафар шахслар келиши ўзларини ИИБ ходими деб таништириб, "Қидирув" ва "Антигеррор-тозалаш" тadbири ўтказилаётганлигини, қидирувда бўлган Ш.Умирзақовга ўхшашлигини айтишиб, шахсини тасдиқловчи хужжатларини сўраганларида, уларга ёнида шахсини тасдиқловчи хужжатлари йўқлигини айтганда уларда ёнида нималар борлигини кўрсатишни сўраганларида, ўз ихтиёри билан эғнида бўлган шимининг ўнг чўнтагидан иккита қора селюфанга ўралган Пойтуғ-Қуйганёр йўналишида жойлашган зовур арикларининг бўйидан ўзи истеъмол қилиш учун тайёрлаб қўйган ёввойи нашадан таёрланган ширасини тақдим қилгани, шунда ИИБ ходимлари ушбу гиёҳвандлик моддасини 1-сонли пакетга, шимининг чап чўнтагидан сариқ туҳумга ўхшаш идишга солинган оқ рангли кир ювиш кукунини тақдим қилгани ва уни 2-сонли пакетга, шимининг ўнг чўнтагидан бир дона оқ рангли "Алкател" номли уяли телефон аппаратини 3-сонли пакетга икки нафар холислар иштирокида олишиб муҳрлашгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу гиёҳванд моддани ўзи тайёрлашни кўрсатиб қўйиш учун ИИБ ходимлари билан Избоскан тумани Пойтуғ шаҳри М.Улугбек МФЙ Қичик даҳа 29-уйга ўзи билан бирга келиб яшаш хонадонининг ичда бўлган жовон торгмасидан гиёҳванд моддасини истеъмол қилиш учун мўлжалланган 1 литри бўш холдаги елим идишнинг таг қисмини эритиб тешилган идиш ҳамда электр пайвандлаш асбобини олиб ИИБ ходимларига бергани ва уни 4-сонли пакетга солиб муҳрлашгани, шундан сўнг шимининг олди ўнг чўнтаги ҳамда орқа чап чўнтагида ўтқир хидли, жигарранг тусли сақичсимон модда зарралари борлиги, уларни олишнинг имкони бўлмаганлиги учун олд ўнг ва орқа чап чўнтагини қайчи ёрдамида кесиб ИИБ ходимларига тақдим қилганида уни 5-сонли пакетга солиб муҳрлангани, шундан сўнг ҳаммалари Избоскан туман ИИБга келиб гиёҳванд моддани мутахассис ёрдамида махсус торозда тортиб кўрилганда соф огирлиги 5,75 грамм эканлиги маълум бўлгани, ушбу наша моддасини бировга бериш ёки сотиш нияти бўлмагани, ушбу наша ўсимлигини базин-базидан истеъмол қилишидан турмуш ўртоғини хабари бўлмагани, қилмишидан пушаймонлигини қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Т.Ғаниев дастлабки терговда 2018 йил 2 октябр кuni Избоскан туманига ўзининг шахсий ишлари билан чиққанида, ИИБ ходимлари бир ишла холис сифатида катнашиб беришни тақлиф қилишганида рози бўлгани, ИИБ ходимлари ўзи ва яна бир холис Б.Обиджонов билан бирга Избоскан тумани М.Улугбек МФЙ Қичик даҳа кўчасида жойлашган гўшт дўконлари ёнида хозирда судланувчи 3.Мадалиев ўзини шубҳали тутганлиги сабабли ундан ИИБ ходимлари ўзини таништиришни сўраб, ўзини шубҳали тутганлигини сабабли ИИБ ходимлари ундан эғнидаги қийимининг чўнтагидан икки борлигини сўраганда, ўз ихтиёри билан эғнидаги шимининг олди ўнг чўнтагидан икки бўлак қора пакетга ўралган ўтқир хидли, жигарранг тусли, сақичсимон модда тақдим қилгани, у ушбу модда ўзи қўлбола усулда тайёрлаган гиёҳвандлик моддаси эканлигини маълум қилгани, шу жойнинг ўзида ушбу модда 1-сонли пакетга

солиб муҳрлангани, шундан сўнг эғнидаги шимининг чап чўнтагидан сарик тухумга ўхшаш идишда ок рангли моддани тақдим қилгани ва у 2-сонли пакетга солиб муҳрлангани, бундан ташқари эғнидаги шимининг олд ўнг чўнтагидан бир дона ок рангли "Алкател" номли уяли алоқа телефон аппарати борлиги аниқланиб 3-сонли пакетга солиб муҳрлангани, шунингдек 3.Мадалиевдан яна шунга ўхшаш моддалар бор ёки йўқлиги, агар бўлса ўз ихтиёри билан топшириши айтилганда 3.Мадалиев бошқа бундай модда йўқлигини, ушбу гиёҳванд моддасини фақат ўзи учун тайёрлаб истеъмол қилишини ҳамда ушбу гиёҳванд моддани уйда оила аъзоларидан яширинча қўлбола усулда тайёрланган идишдан фойдаланишини айтиб ушбу идиш ҳамда ускунани уйдан олиб чиқиб беришини айтгани, шунда 3.Мадалиевнинг Избоскан тумани М.Улуғбек МФЙ Қичик даха 29-уйга келгани ва 3.Мадалиев яшаш хонадони ошхонасида жойлашган ошхона жиҳозларининг орқа тарафида гиёҳванд моддасини истеъмол қилиш учун мўлжалланган қора пакетга солинган 1 литрли бўш ҳолдаги елим идишини таг қисми ва тепа томон қолпоқ қисми эригилиб тешилан идиши ва электр пайвандлаш асбобини тақдим қилгани ушбу идиш ўзларини иштирокида 4-сонли пакетга солиб муҳрлангани, шундан сўнг 3.Мадалиевни эғнидаги шимининг олд ўнг чўнтаги ҳамда орқа чап чўнтагида ўткир хидли, жигарранг тусли саҳичсимон ёпшоқ модда зарралари борлиги, уни олишининг имкони бўлмаганлиги учун шимининг олд ўнг ва орқа чап чўнтақларини текшириб кўришлик учун қайчи ёрдамда кесиб олиб 5-сонли пакетга солиб муҳрлангани, шундан сўнг барча тadbир иштирокчилари ИИБ биносига келиб, наша гиёҳвандлик воситаси мутахассис томонидан махсус тарози ёрдамда тортиб кўрилган эди, унинг оғирлиги 5,75 грамм эканлигини аниқлангани ва ушбу ўсмликлар иштирокчилар кўз ўнгидан яна қайтадан пакетга жойлаштирилиб, муҳрлангани, ҳолатларни хужжатлаштириш жараёнида ИИБ ходимлари томонидан ноқоний хатти-харакатлар содир этилмагани, юқоридагиларни тўғрилигини тасдиқлаб тузилган баённомага ҳолис сифатида имзо қўйганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Обиджонов суд мажлисида юқоридаги гувоҳ Т.Ғаниевни кўрсатувларини тасдиқлаб айнан ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Маннопова дастлабки терговда, 3.Мадалиев турмуш ўртоғи бўлишини, турмуш ўртоғи билан бирга шу кунга қадар яшаган даврида уни алкоголь маҳсулотларига ружу қўйиб истеъмол қилганини билмаслигини, баъзи-баъзида кечки овқатдан сўнг пиво ичиб туришини, у билан бирга яшаган даврида гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилганини кўрмагани, лекин баъзида кўзлари кизариб қолганини кўриб уни қурилиш ишлари билан чарчаб қолган бўлса керак деб ўйлагани, 2018йил 2 октябрь куни яшаш хонадонига профилактика инспектори билан бирга 5-6 нафар фуқаролар турмуш ўртоғи билан кириб келишиб, турмуш ўртоғи пайвандлаш ускунаси ҳамда узайтиргични ўзи яшириб қўйган жовоннинг ичидан олиб чиқиб беришини сўраганида, нима бўлаётганини аанглай олмагандан кейин пайвандлаш ускунаси ҳамда узайтиргични олиб чиқиб бергани, шу вақтда турмуш ўртоғи жавонни орқа томонидан бир литрли елим идишни олиб чиқиб ўзи билан бирга келган шахсларга бергани ва улар билан бирга чиқиб кетгани, турмуш ўртоғини гиёҳванд модда истеъмол қилишидан умуман хабари йўқлигини, қачондан буён истеъмол қилишини билмаслигини айтиб турмуш ўртоғига нисбатан енгиллик берилишини сўраган.

Судланувчи 3.Мадалиевни айби булардан ташқари, тингтув, ашёвий далилни олиш, уларни соф оғирлигини аниқлаш ҳақидаги баённомалар, тушунтириш хатлари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, сўроқ қилиш баённомалари, экспертиза ҳулосалари ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд судланувчи 3.Мадалиевни қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, гиёҳвандлик воситасини кўп миқдорда ўтказиш мақсадини қўзламай қонунга хилоф равишда сақлагандаги жиноий харакатлари ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини, қилмишининг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, 57-моддасида суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини жиддий қамайтирувчи ҳолатларини эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкинлиги, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида" ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, судда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи 3.Мадалиевга жазо тайинлашда, уни яшаш жойидаги МФЙдан шахсини ижобий тавсифлангани, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари бўлгани ҳолда оиласини ягона боқувчиси эканлигини, судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларсиз содир этган деб топиш билан бирга айбининг шакли ва даражаси, жиноятнинг содир этгандан кейинги ҳуқуқ-атвори, вояга етмаган фарзанди бўлгани ҳолда оиласини ягона боқувчиси эканлиги, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини жиддий қамайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, содир этган жиноятлари учун ЖКнинг 57-моддасини қўллаб мазкур модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазо тайинлашни, суд-наркология экспертизасининг 2018 йил 4 октябрдаги 432-сонли ҳулосасига кўра 3.Мадалиев гиёҳвандлик касали билан оғриши ва мажбурий даволанишга муҳтожлигини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддаси талаблари асосида 3.Мадалиевни жазони ўташ даврида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволантиришни белгилашни лозим топади.

Суд хайъати, ЖПКнинг 211-моддаси талаблари асосида ашвйй далиллар масаласини мухокама қилиб,

-ашвйй далил деб эътироф этилган Андижон вилоят МХХ бошқармаси ашвйй далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 5,46 грамм Гашиш гиёвандлик моддаси белгиланган тартибда йўқ қилишни,

-ашвйй далил деб эътироф этилган 1 дона 1 литр хажмли елим идиш, 1 дона кир ювиш кукунни, 2 бўлак шимдан кесиб олинган чўнтак қисмларини йўқ қилишни белгиланиш лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, судлов хайъати

Х У К М Қ И Л А Д И:

Мадалиев Зоҳиджон Зафарович (Madaliyev Zohidjon Zafarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Мадалиев Зоҳиджон Зафаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мажкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб ахлоқ тузатиш ишлари жазосини амалда ўташни бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Избоскан туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Мадалиев Зоҳиджон Зафаровичга қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний қучга киргач бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддаси талаблари асосида З.Мадалиев жазони ўташ даврида суринкали гиёвандликдан мажбурий даволантирилсин.

Ашвйй далил деб эътироф этилган ва Андижон вилоят МХХ бошқармаси ашвйй далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 5,46 грамм Гашиш гиёвандлик моддалари белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ашвйй далил деб эътироф этилган 1 дона 1 литр хажмли елим идиш, 1 дона кир ювиш кукунни, 2 бўлак шимдан кесиб олинган чўнтак қисмлари йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи эса ҳукм нуҳасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибда, ҳукм қонуний қучга киргач кассация тартибда шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.И.Сиддиқов